

КАРОР.

2003 йил сентябр ойининг 12 куни Жиноят ишлари буйича Риштон туман судининг уз биносида очик суд мажлисида Раислик этувчи Умирзаков П.Ю.нинг раислигига Бадалов Ж.нинг котиблигига Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддаси 1-кисми билан Таджибаева Мультабар Ибрагимовнага нисбатан тупланган маъмурий ишни куриб чикиб, куйдагиларни

АНИКЛАДИ:

Таджибаева Мультабар Ибрагимовна, 1962 йил 25 август куни Маргилон шахрида тугилган, миллати узбек, маълумоти урта-максус, оиласи, 1 нафар фарзанди бор, депутат эмас, партиясиз, мукаддам судланмаган, «Утюраклар» клуби раҳбари, Маргилон шахар, Зухра кучаси, 31 ўй 31 хонадонда яшайди.

Суриштирув органи Таджибаева М. 2002 йил 14 октябр куни соат 10-ларда тегишли рухсатнома олмасдан Олтиарик туман суди биноси олдида намоиш уюштириш тартибини бузиб Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддаси 1-кисмидаги кайд этилган хукукбузарликни содир этган деб маъмурий баённома тузган.

Суд мажлисида Казоков М. ва Мадбобоев Р.лар 2002 йил 14 октябр куни соат 10-ларда Таджибаева М. иштирокида 10-15 кишидан иборат одамлар Олтиарик туман суди биноси олдида пикет уюштиришганлигини, уларнинг кулларида хокимият, суд, прокуратура ходимларидан норози булиб ёзилган плакатлар булганлигини айтиб курсатма беринади

Суд юкоридаги баёнотларни эшишиб ва иш материалларини текшириб чикиб Таджибаева М.ни харакатларида Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддаси 1-кисмидаги кайд этилган маъмурий хукукбузарлик аломатлари йук деб баҳолайди ва маъмурий ишни иш юритишдан тугатишни лозим топади.

Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддаси 1-кисмидаги йигилишлар, митинглар, куча юришлари ёки намоишлар уюштириш, утказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик курсатилган.

М. Таджибаева расмий равишда хокимлиқдан намоиш утказиш учун рухсат сураб ариза билан мурожат килянган. Лекин Олтиарик туман хокимлиги томонидан рухсат берилмаганлиги сабабли у намоиш ва куча юришларини уюштирган.

М. Таджибаева ва бошкалар 14.10.2002 йил куни кургазмалар /плакат/лар билан Олтиарик туман суди биноси олдида хокимият, суд, прокуратура ходимларидан норози булиб ёзилган плакатларни кутариб олишиб пикет уюштиришган. Бундан ташкари суриштирув даврида курсатма беринади Эминов Н. Алимкулов А. Сатторов А.лар Таджибаева М. ёрдам берганлиги учун уни илтимоси буйича Олтиарик туман суди биноси олдида тупланишганлигини, йигилиш, митинг, куча юришлари ёки намоиш уюштиришмаганлигини айтишиб тушунтириш беринади.

Ушбу холатда Таджибаева М.ни харакатларни куча юриш, намоишлар уюштириш деб баҳолаб булмайди.

Пикет утказиш, узининг шахсий фикрини кургазма /плакат/ лар ёки бошка усулларда билдириш Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги Кодексида ва Олий суднинг Пленуми Карорларида маъмурий хукукбузарлик деб талкин килинмаган.

Суд юкоридагиларга асосан ва Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 271, 309-311-моддаларини куллаб

КАРОР КИЛАДИ:

Узбекистон Республикаси МЖтКсининг 201-моддаси 1-кисми билан Таджибаева Мультабар Ибрагимовнага нисбатан тупланган маъмурий ишда маъмурий хукукбузарлик аломатлари йўклиги сабабли унга нисбатан тупланган маъмурий иш иш юритишдан тугатилсан.

Ушбу карор мазмуни кизикувчи томонларга маълум килинсан.

Карордан норози томон шу суд оркали Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига 10 кунлик муддатда шикоят, протест келтиришга хакли.

Раислик этувчи

имзо

Умирзаков П.Ю.

Карор аслига тутри деб:
Жиноят ишлари буйича
Риштон туман судининг раиси

Умирзаков П.Ю.